

## Қўмондон Ўзбекистон туманилик ёшлар билан учрашди

Бугун Ўзбекистон туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатида Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов билан "Қўмондон ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юрга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли, муқаддас бурч эканини чуқур сингдиришга қаратилган тадбирда туман ҳокимининг ўринbosари Муслимбек Аҳмедов, туман прокурори Обиджон Собиров, ҳарбийлар, туман ёшлари, мактаб-интернат ўқувчилари, фахрийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мазмунга бой ўтган учрашувда Шарқий ҳарбий округ қўмондони мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини тўлақонли юзага чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани, ёшларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Ёшларни ватанпарвар, юргига, халқига муносиб хизмат қиласиган фидойи ва сабитқадам бўлишга чақирди.

Шунингдек, қўмондон учрашув давомида туман ёшларининг эришаётган ютуқлар билан танишди. Уларнинг таклиф, фикр ва мулоҳазаларини эшилди, ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди. Айниқса, ҳарбий касбни эгаллаш, Қуролли Кучлар тизимидағи ислоҳотлар ҳақида кенг маълумотлар берди. Мулоқот давомида спорт ва бошқа йўналишларда салмоқли натижаларга эришган бир гурух фаол ёшлар муносиб тақдирланиб, "Ватан таянчи" болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати аъзоларига кўкрак нишони ва эсадалик совғалари топширилди.

Тадбирдан сўнг намойиш этилган қурол-аслаҳалар кўргазмаси, ҳарбий оркестр жамоаси ва ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари ёшларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

2024-10-04 18:57:12